O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2007 йил 20 ноябрь ● сешанба ● № 47 (554) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлмиш Конституция қабул қилинганига яқинда ўн беш йил тўлади. Конституциямиз ўтган қисқа давр мобайнида янги демократик ва адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг қонуний пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги олдидан

ҲУҚУҚЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

Маълумки, Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг мақсади, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принциплари, жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди. Унда халқимизнинг руҳи, ижтимоий онги ва маданияти акс эттирилиши билан бирга умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги эътироф этилган. У мустақил ҳуқуқий йўлимиз ва миллий қадриятларимиз тизимининг асосидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган бўлиб, бўлимнинг 18-моддасида **Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг** эканликлари белгилаб қўйилган. Бу конституциявий қоида Ўзбекистонда фуқаролар ўртасида ижтимоий адолат тамойилларини қатъий белгилаб берувчи меъёрдир.

Сиёсий, фуқаровий, меҳнатга оид, ижтимоий, маданий ва бошқа ҳуқуқлар ҳар бир фуқаронинг ажралмас ҳуқуқларидир.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий ҳаётида инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор мавқега эга бўлади. Конституциянинг 14-моддасида таъкидланганидек, **давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Конституциямизда миллий менталитетимиз инобатга олиниб, инсон шаъни ва қадр-қимматига алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, Конституциянинг 13-моддасида: **«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».** Ушбу тамойил Конституциямизнинг 25-моддасида янада аниқлаштириб берилган. Унда: **«Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши мумкин эмас»**, — дея эътироф этилган.

Дарҳақиқат, Конституциямизда жамики қадриятларнинг энг улуғи — инсон омили деган фикр илгари сурилган ва шу асосда фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар оқилона ҳуқуқий ечимини топади. Зеро, дунёнинг яратилиш моҳияти ҳам — инсон. Барча таълимотлар инсон камолоти, инсон қалби, хоҳиш ва орзуларига хизмат қилади.

Конституциямизнинг 24-моддасида **«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир»**, — дейилган. Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт инсонга Аллоҳ томонидан бахш этилган энг буюк неъматлардан биридир. Ундан маҳрум этиш эса инсонпарварликка зиддир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланади. Бу эса инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминловчи умумэътироф этилган халқаро тамойиллар ва меъёрлардан келиб чиққан Бош қомусимизнинг 24-моддасига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **«Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари»** деб номланган иккинчи бўлими «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг барча принциплари ҳамда қоидаларига тўла-тўкис мос келади ва унда Декларацияда кўрсатилган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ўз ифодасини топган.

Конституциямизнинг шахсий ҳуқуқлар тизимида инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги, турар-жой дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефон сўзлашувлари сир сақланиши алоҳида ўрин тутади.

Шунингдек, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий заминини яратиш манфаатларидан келиб чиқиб, Конституциямиз хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан қўриқланиши (53-модда) ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини (36-модда) мустаҳкамлаб берди.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи фуқароларнинг устувор конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Конституцияга мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Конституциямизнинг 39-моддасида таъкидланганидек: **«Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга».**

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик, Конституциямиз дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз Конституциясининг асосий мақсади бўлиб, мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари интилишининг ҳуқуқий пойдеворидир.

Бахриддин ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

САМАРҚАНД: ТИЗИМГА ОИД ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР

Тарихий-меъморий обидалари билан жаҳон аҳлини ҳайратга солган кўҳна Самарқандда адлия тизимига оид кўплаб серҳашам бинолар қад ростлади. Азим Самарқанднинг 2750 йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилган бу муҳташам, замонавий, миллий-меъморий иншоотлар турли минтақалардан ташриф буюраётган сайёҳлар эътиборини қозонмоқда.

Мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшлар шундай кўркам кошоналарда ўз никоҳларини қонуний рўйхатдан ўтказишмоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор намунасидир, десак янглишмаймиз.

Бахтиёр АКРОМОВ
олган суратлар

Ҳудуд хабари



МУРОЖААТЛАР

«ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

АПЕЛЛЯЦИЯ ПРОТЕСТИ КИРИТИЛДИ

Фуқаро Ф.Воҳидовнинг Китоб туманидаги фермер хўжаликларига айлантирилган, собиқ «Варганза» ширкат хўжалиги балансида бўлган «товуқхона биноси»ни Республика кўчмас мулк биржаси Қашқадарё филиалида ўтказилган савдода 8,6 миллион сўмга сотиб олганлиги, лекин Китоб туман ҳокимлиги «товуқхона биноси»га тегишли ерни ажратиб бермаётгани хусусида «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига йўллаган аризаси вилоят прокуратурасида кўриб чиқилди.

Аниқланишича, мазкур низоли иш фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судида 2007 йил 8 октябрь куни кўриб, даъвогар (Ф.Воҳидов)нинг даъвоси рад қилинган.

Суднинг ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига даъвогар томонидан апелляция шикояти, Шаҳрисабз туман прокурори томонидан апелляция протести киритилиб, ишни кўриш 2007 йил 16 ноябрь кунига тайинланган.

А.ЖУРАЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Вилоят прокуратураси томонидан Каттақўрғон шаҳар, Усмон Юсупов номли шоҳ кўча, 103-уйда яшовчи Н.Жўраевнинг «Каттақўрғон автошоҳбекат» акциядорлик жамияти ва «Эркинлик» хусусий корхонаси мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига йўллаган аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги **«Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 209-сонли қарорига асосан «Каттақўрғон автошоҳбекати» очиқ акциядорлик жамиятининг давлат ихтиёридаги 99,6 фоиз акция пакети инвестиция киритиш шарти билан бепул берилиши белгиланган.

Самарқанд вилоят танлов комиссияси йиғилишининг 2004 йил 12 октябрь кунги 8-сонли баённомасига кўра, «Эркинлик» шахсий корхонаси 68 миллион 957 минг сўм инвестиция киритиш мажбуриятини олган ҳолда ғолиб деб топилган.

2004 йил 3 ноябрь куни Н.Жўраев билан «Эркинлик» шахсий корхонаси ўртасида инвестиция киритиш мажбуриятлари белгиланган келишув шартномаси имзоланган.

Бироқ, ушбу шартнома рус ва ўзбек тилларида тузилган ва уларда кўрсатилган мажбуриятлар мазмуни турлича бўлиб, ҳар иккала томон ҳам ушбу шартномаларни давлат органларига топширишган.

Қалбакилаштирилган шартномадан фойдаланиб, давлат органларига топширилганлиги ҳолати юзасидан вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Х.ҚУРБОНОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Обуна — 2008

Муҳтарам газетхон!

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси мамлакатимизда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бораётган, демократик тамойилларга мос давлат барпо этишнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилаётган, иқтисодий ислоҳотлар борасида таҳлилий мақолалар бериб бораётган нуфузли нашрлардан бири ҳисобланади.

«Инсон ва қонун» ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун ҳам муносиб минбар!

Тадбиркорлик, кенг оммани қизиқтирган ҳуқуқий масалалар, адвокатура, нотариал идоралар, ФҲДЁ, хуллас, суд-ҳуқуқ тизимига оид барча мавзуларда тўлақонли чиқишлар қилинмоқда. Айниқса, кишиларни қизиқтирган саволлар, таҳририятга юборилаётган хатлар — фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида жавоб берилмоқда.

Шуни айтишимиз керакки, ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат беэътибор қолмайди! Газетамиз саҳифаларида сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ҳақида мунтазам равишда мақолалар бериб борамиз. Зеро, қонун — инсон ҳаётининг энг муҳим ҳимоя воситасидир. Қонун — энг тўғри йўл. Инсон қадр-қиммати, шаъни, тақдир аъмоли қонун доирасида ҳимоя қилинсагина, унинг манфаатлари улуғланган бўлади. Газетамиз мақсад-муддаосини тушунган ўқувчиларимизга эса шу нуқтаи назардан хулоса чиқариб, обуна бўлишга шошилинг, деймиз!

Нашр кўрсаткичи:

137 — якка тартибдаги обуначилар учун;
138 — ташкилотлар учун.

Тизим тадбирлари

ДАВРА СУҲБАТИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий ислоҳотлар асоси»** мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади.

Мазкур давра суҳбатида Ўзбекистон Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси вакиллари ва олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишади.

Ақида СУЛТОНОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Адлия вазирлигида Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Нафиса Акбарова билан учрашув-мулоқот бўлиб ўтди. «Одоб-ахлоқ юксак маънавиятнинг белгиларидан бири» мавзусида ўтказилган мазкур мулоқотда Нафиса Акбарова инсон маънавияти ва адолат туйғусининг шаклланишида оиладаги тарбиянинг ўрни, кишилардаги юксак инсоний фазилатларнинг жамият маънавий ҳаётини белгилашдаги аҳамияти ҳақида сўз юритди. Киши қалбидаги адолат туйғуси унинг ўз касбида ҳалол ишлаши, одамларнинг ишончини қозонишига ундовчи маънавий мезон бўла олишини таъкидлаб, бунга бугунги ҳаётимиз ва буюк аждодларимиз ҳаётидан ибратли мисоллар келтирди.



«Йилнинг энг яхши маънавият ўқитувчиси», тажрибали устоз Нафиса Акбаровaнинг фикр-мулоҳазалари йиғилганларда қизиқиш уйғотиб, учрашув-мулоқот мавзуга доир савол-жавоб тарзида ўтди.

Бекзод БАҲРИНОВ,
ТДЮИ талабаси

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Жойларда сайловолди йиғилишлар давом этмоқда. Шундай ўқув-семинарлардан бири Андижон Давлат тиллар педагогика институтининг академик лицейида бўлиб ўтди. Андижон шаҳар прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу семинарда лицейнинг педагог ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Анжуманни лицей директори М.Охунов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг сўзга чиққан Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси У. Мамадалиев сайлов қонунчилиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Шуҳратбек МУСАЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ташаббуси билан Сирғали ва Бектемир туманларида **«Шартномавий муносабатлар — давр талаби»** мавзусида навбатдаги семинар-машғулоти бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда туманларда фаолият кўрсатаётган мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, бош ҳисобчилар ва юридик хизмат ходимлари иштирок этдилар. Тадбирда шартномавий муносабатларга оид масалалар, жумладан, шартномаларни амалдаги қонунлар талаби асосида тузиш, унинг ижросини ўз вақтида таъминлаш, ҳуқуқий хизмат фаолияти хусусида сўз юритилди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан адлия бошқармаси ходимларига мурожаат қилдилар. Тадбир баҳс-мунозараларга бой ва қизиқарли руҳда ўтди.

Зафар ОЛИМОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи

Сайлов ва сайловчи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг сиёсий кўринишларидан асосийси – бу фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидир. Маълумки, сайловлар замонавий демократиянинг асосий ва туб институтлари сирасига киради. Шу боис ҳам "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактнинг 12-моддасида "Ҳар бир шахс ўз мамлакатида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир", деб белгилаб қўйилган ва бу халқаро меъёр Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасига кўра **"Халқ эрки ҳукуматга тегишли бўлган ҳокимиятнинг асоси бўлиши керак: бундай эрк умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан аҳамиятли шакллар воситасида амалга оширилиши лозим бўлган даврий ва сохта бўлмаган сайловларда намоён бўлиши даркор"**. Пировардида, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини ўзида мужассам этган, инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаган, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида қурилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини – ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим тамойилларидан бири сифатида тан олган ҳолда, халқнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини белгилаб берди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига сайлайдиган ўз вакиллари орқали ёки бевосита давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундай ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси қонунларда белгилаб қўйилган тартибда дахлсизлик иммунитетидан фойдаланишади.

Дахлсизлик иммунитети деганда, аввало, ташқи таъсир ва тажовузлардан, ноқонуний хатти-ҳаракат ва чекловлардан муҳофаза бўлиш ҳуқуқи назарда тутилади. Дахлсизлик иммунитетига эга бўлган субъектлар қаторига сиёсий фаолият ҳамда мансаб дахлсизликлари ҳам киради.

Сиёсий фаолият дахлсизлиги – бу сайлаш ва сайланиш, ўз-ўзини бошқариш ва жамоат ташкилотларига аъзо бўлиш, мансаб дахлсизлиги эса – бу шахснинг бирон-бир мансабни эгаллаши билан бериладиган ваколатлар доирасидаги дахлсизлик бўлиб, бу ҳуқуқлар Президент дахлсизлиги, судьялар дахлсизлиги ва депутатлар дахлсизлигида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91-моддасида мамлакат Президентининг дахлсизлик иммунитети эътироф этилган. Дахлсизлик иммунитети Президент шахси дахлсиз эканлигини ва у қонун билан ҳимоя этилишини назарда тутади. Президент дахлсизлиги унинг бутун фаолиятига тааллуқлидир.

> *Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқларга эга.*
>
> **(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28[1]-моддасидан).**

Шу ўринда Президентликка номзод ҳам дахлсизлик иммунитетига эгами, деган савол туғилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган ҳар бир номзод, у қайси сиёсий партиядан ёки ташаббускор гуруҳдан кўрсатилган бўлишидан қатъи назар, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан сайлов натижалари эълон қилингунга қадар дахлсизлик иммунитетига эга бўлади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилишига, ҳибсга олинишига ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бунга розилик берган тақдирда Марказий сайлов комиссиясини дарҳол хабардор қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни мажбурий келтириш, унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, турар жой ва хизмат биноларини кўздан кечириш тақиқланади.

Қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун сайлов комиссиялари, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва барча фуқаролар томонидан эътиборга олиниши мажбурий бўлган бундай иммунитетнинг назарда тутилиши, аввало, ҳар бир номзоднинг сиёсий ҳуқуқларини эркин рўёбга чиқаришга, сайловолди ташвиқотларда тенг ҳуқуқлилик асосида қатнашишга ва номзодлар учун яратилган барча шароитлардан адолатли фойдаланишга қаратилган ва бу, албатта, номзодларнинг дахлсизлик ҳуқуқини тўлиқ кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга нисбатан сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш чоғида ҳам, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида ҳам, келгуси фаолият дастурлари билан таништиришда ҳам ҳеч қандай чекловлар ва фарқлашлар, бирон-бир тўсиқлар бўлиши мумкин эмас.

Энг муҳими, дахлсизлик иммунитети номзодларнинг қонунга хилоф равишда маъмурий ёки жиноий таъқиб қилинишини, шундай усуллар билан қўрқитилишини, ўз номзодини олишга мажбур қилинишини чеклайди ҳамда шахсий ва мулкий дахлсизлигини, сайловолди фаолиятини эркин ва тенгҳуқуқлилик асосида юритишини кафолатлайди. Шунингдек, номзоднинг шаъни ва қадр-қимматини, хат ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарлар сир сақланишини ва оила сирларини, турар-жой дахлсизлигини ҳимоя қилади.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Юртимизда... биргина туман мисолида

УЧИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИК БОЛАЛАРИГА СОВҒА

Дунёга ал-Беруний, Абу Наср Ибн Ироқ, ал-Восий, каби олим-фузало, алломаларни берган, бутун жаҳон тамаддунининг бешикларидан бири бўлган Кат (ҳозирги Беруний тумани) мустақиллик йилларида янада кўркамлашиб, чирой очмоқда. Айниқса, Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари асосида янги коллеж, лицей, мактаб, мактабгача таълим муассасалари бунёд этилаётгани, мавжуд иншоатларнинг капитал ва жорий таъмирланаётганлиги келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик намунасидир.





Суратларда: 18-мактабгача таълим муассасаси кўриниши.
Б.АКРАМОВ олган суратлар

Таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёни Беруний туманида ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бундай эзгу ишларга нафақат шу соҳа мутасаддилари, балки ҳуқуқ-тартибот муассасалари раҳбарлари бош-қош бўлишлари қувончли ҳолдир.

Беруний тумани марказидан чиқиб, шимол тарафга — Навоий авул фуқаролар йиғинига юрсангиз, йўлнинг ўнг тарафида савлат тўкиб турган серҳашам бинога кўзингиз тушади.

Бу бино — 18-мактабгача таълим муассасаси...

— Муассасамиз 1972 йилда қурилган бўлиб, 140 ўринга мўлжалланган. Жамоамизда 1 нафар олий маълумотли психолог, 13 нафар ўрта махсус маълумотли педагоглар меҳнат қилишади. Биз ишлаётган таълим муассасаси кўп йиллардан буён таъмирга муҳтож бўлиб келаётганди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси раиси Р.Қодиров ислоҳотлар жараёни билан танишиш учун туманимизга ташриф буюриб, мактабгача таълим муассасаларини ҳам бориб кўрди. Мазкур муассасани кўздан кечириб, бугунги кун талабларига ҳар томонлама мос келадиган ҳолатда реконструкция қилиш кераклигини таъкидлади. Шундан сўнг 2007 йил апрел ойида бу ерда капитал реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Атиги олти ой ичида мана шу кўриб турганингиз — кўз қувонадиган, муҳташам бино қад ростлади.

Дарҳақиқат, халқимизда бундай эзгу ишларга бош қўшган кишиларга нисбатан «яхшиларнинг шарофати», деган бир ибора бор. Республика Бош прокуратураси ташаббуси билан бошланган бу ишни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Натижада муассаса қайтадан бунёд этилди, замонавий таълим-тарбия масканига айланди.

Мактабгача тарбия муассасасини капитал таъмирлаш ишларига **«Ёғгор»** ҳиссадорлик жамияти, **«Беруний Агроқурилиш»** масъулияти чекланган жамияти, Беруний пахта тозалаш заводи, туман халқ таълими бўлими, туман **«Қоратаув бурғилаш»** корхонаси томонидан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Бир сўз билан айтганда, бу эзгу ишга тумандаги қатор корхона, ташкилот, ота-оналар, туман аҳли баҳоли қудрат ҳомийлик қилди.

Ўз келажаги, эртаси учун қайғурган халқнинг жипслиги озод ва обод юрт бунёдкорлигининг мустаҳкам пойдевори эканлиги яна бир карра ўз исботини топди.

Мирзаҳмад АЙМАНОВ,
Беруний туман прокурори, адлия маслаҳатчиси

Оила жамиятнинг кичик бўғини, бу мўъжаз даргоҳдаги тинч-тотув ва аҳиллиқдаги ҳаёт, тўкислик юрт фаровонлигининг ҳам ифодасидир. Айниқса, оилавий ҳаётга эндигина қадам қўйган ёшлар катталарнинг йўл-йўриғи, ёрдамига таянадилар. Юртбошимиз ва давлатимиз томонидан ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАГАН ДАВЛАТ

ёшларга таянч бўлади, уларни қўллаб-қувватлайди, ғамхўрлик қилади

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 18 майдаги **«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони, шунингдек, **«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»**ги Қонун ҳамда **«Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури»**га мувофиқ ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш борасида бир қатор ишларни амалга оширдик, — дейди



биз билан суҳбатда «Микрокредитбанк»нинг Оқтош бўлими бошлиғи Комилжон Акобиров. — Ўтган олти ой давомида қарийб қирқдан зиёд ёш оилаларга маиший шароитларини яхшилашлари учун банк томонидан **77 миллион** сўмдан зиёдроқ кредит маблағи берилди. Мисол учун, Оқтош шаҳрида яшовчи ёш тадбиркор Неъмат Убайдуллаевга уй жиҳозларини харид қилиши учун банкдан 2,5 миллион сўм кредит ажратилди. Шунингдек, Нарпай туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан туманнинг Гулистон қўрғончасида истиқомат қилувчи Муҳтарам Аҳмедовага телевизор, кир ювиш машинаси, диван ва кресло харид қилиш учун 2 миллион сўм, Чақар қишлоғидаги фермер хўжалигининг бошлиғи Жамил Маҳмудовга «Эл-дош-эл» русумли аравачали мотоцикл харид қилиш учун 2 миллион 921 минг сўм, Қадим қишлоқ фуқаролар йиғини Оқ олтин қишлоғида яшовчи иссиқхона ишчиси Инатулло Ҳабибовга уй жиҳозлари сотиб олишлари учун 1,5 миллион сўм миқдорида кредит берилди.

— Оилада беш ака-укамиз, янги оила қурдик, Гулистон маҳалласидаги кўп қаватли уйдан икки хонали уй сотиб олиш ниятида Оқтош шаҳрида жойлашган Микрокредит банкидан кредит ёрдами сўрадим, — дейди ёш шифокор Бахтиёр Худоёров. — Биз каби ёш оилалар тақдирини ўйлаб, уларнинг келгусида оёққа туриб кетиши учун имкон яратган муҳтарам Президентимизнинг фармони катта кўмак бўлди. Банкдан 2,5 миллион сўм кредит олиб, янги уй соҳиби бўлдик.

Ҳа, албатта ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган мазкур Фармоннинг аҳамияти бениҳоя катта. Аввало, ёш оила мустақил яшашга одатланади, масъулиятни ҳис этади. Иккинчидан, оила деган муқаддас қўрғоннинг шаклланиши ва мустаҳкамланишига замин яратилади.

Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Таҳлил ва талқин

СУД ДЕПАРТАМЕНТИ:

қарорлар ижроси ислоҳотлар самарасини белгилайди

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бунга мисол сифатида судларнинг ихтисослашуви, Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ташкил этилишини алоҳида қайд этиш жоиз. Хўш, бу ислоҳотлар тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда қандай аҳамиятга эга, Департаментнинг бугунги фаолияти қай мезонларга асосланган? Шу ва шу каби қатор саволлар билан Суд департаменти директори ўринбосари, Шавкат Ортиқович Тожибаевга мурожаат қилдик.

– Шавкат Ортиқович, суҳбатимизни нафақат ҳуқуқшунослар, соҳа мутахассислари, балки оддий газетхонлар ҳам ўқишади. Шу боис суд ижро департаменти фаолияти хусусида кенгроқ маълумот берсангиз.

— Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, Судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги 383-сонли қарори асосида ташкил этилган ва Департаментнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

— суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини сўзсиз ижро этилиши ишларини ташкил этиш;

— суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш;

— судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ишларини ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

— судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағлар самарали ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўриш;

— судьялар ва судлар аппарати ходимларининг меҳнат, моддий шарт-шароитлари ва ижтимоий таъминотини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни тегишли органларга киритиш;

— судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш.

— Президентимизнинг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси қандай таъминланаётир? Бу борада мавжуд муаммолар ва ютуқлар хусусида сўз юритсангиз.

— Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Суд департаменти томонидан ўтган давр мобайнида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Суд департаментининг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди, унинг таркибида ундирувларнинг турлари бўйича хўжалик судлари, умумий юрисдикция судлари, солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар, ички хавфсизлик инспекцияси, статистика ва таҳлил бўлими ташкил этилди, ҳудудий бўлинмалар тузилмасига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Кадрлар захирасини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар кўрилди, суд ижрочиси лавозимига номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартиби жорий этилди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида суд ижрочиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди.

Бу соҳа мутахассисларини тайёрлаш мақсадида олий юридик таълим муассасалари ўқув дастурларига "Ижро иши юритуви" номли мустақил фан киритилди.

Ошкораликни таъминлаш, суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида хатланган автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни биржаларда очиқ ким ошди савдолари орқали сотишнинг янги тартиби, ушбу мол-мулк сотувини амалга оширувчи баҳоловчиларни ва савдо ташкилотларини танлов асосида саралаб олиш механизми жорий қилинди.

Суд департаментининг 2007 йил 9 ойлигида ундирувлар бўйича кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада фарқ қилган бўлса-да, лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорида кўрсатиб ўтилганидек, ҳукуматимиз томонидан Суд департаменти иш фаолиятини яхшилашга яратиб берилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган.

Хусусан, суд ижрочиларининг иш юритувида 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида жами **2 триллион 055,3 миллиард** сўмлик **1,2 миллион** дона ижро ҳужжатлари мавжуд бўлган.

Шундан 9 ой мобайнида жами **1 триллион 627,8 миллиард** сўмлик **1,0 миллион** дона ижро ҳужжатларининг ижроси якунланган. Якунланган ижро ҳужжатлари бўйича сумма кўрсаткичи **87,7 фоизни** ташкил қилади. Бу кўрсаткич 2006 йил 9 ойи давомида **82,0 фоизни** ташкил қилган.

Амалда ундирилган ижро ҳужжатларининг сумма бўйича кўрсаткичи **50,8 фоизни** ташкил қилади. Бу кўрсаткич 2006 йил 9 ойи давомида **34,6 фоизни** ташкил қилган.

Бироқ, ижро ҳужжатлари сонининг кескин кўпайиши Суд департаменти ишининг етарли даражада ташкил қилинмаганлиги натижасида Қонунда белгиланган муддатлар бузилиб, ижроси тамомланган ижро ҳужжатлари сони **238,4 мингтани** ёки **24,6 фоизни** ташкил қилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида ижро интизоми, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги, коррупция ва таъмагирлик ҳолатларига лозим даражада баҳо берилмаётганлиги каби камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

— Шавкат Ортиқович, айтинг-чи, юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида Адлия вазирлиги раҳбарияти томонидан зудлик билан чоралар кўрилди. Жумладан:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири биринчи ўринбосарининг 2007 йил 5 ноябрдаги **"Суд қарорлари ижросини таъминлаш чоралари тўғрисида"**ги 149-ум сонли ва **"Суд қарорлари ижросининг самарадорлигини ошириш тўғрисида"**ги 150-ум сонли буйруқлари қабул қилинди. Мазкур буйруқларга асосан Суд департаментининг вилоят ҳудудий бошқармаларида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳлари тузилиб, қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, мажбурий ижро этиш механизмини янада такомиллаштириш, шунингдек, суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаш ва тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, иш бошлади.

Учинчидан, ижро йиғими ундириш тўғрисидаги қарорларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, адолат мезонлари асосида иш олиб бориш учун қонун доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тизимдаги ислоҳотлар самараси суд департаменти фаолиятида ҳам алоҳида акс этмоқда.

Халқимиз фаровонлиги, юрт тараққиёти йўлида ҳукуматимиз, Юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган ҳар бир хайрли ишнинг натижаси барча соҳаларда бўлгани каби суд департаменти ходимларини ҳам қувонтиради, шу билан бирга ҳар биримизга жиддий масъулият юклайди.

Суҳбатдош:
Дилфуза РАҲИМБЕКОВА.
Суд департаменти Матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.

ЭССИЗГИНА, БОБОТОҒ...

Ўрмон хўжалиги раҳбари Норқул Сафаровга «икир-чикир» бўлиб туюлган нарсаларга гоголона бир назар...

Фельетон

Унда бир одамга етиб, ҳатто ортиб қоладиган ажойиб хусусият ва фазилатлар бор: на озғин, на тўла, бўйининг баландлигини билдирмайди. Гаплари ҳам худди ҳаракатлари сингари шиддатли — сўзлаганда кўзингизга шу даражада қаттиқ тикиладики, қанчалик юзсиз бўлсангиз ҳам томирингизда одам қони оқаётганлиги учун дарҳол ниго-ҳингизни пастга оласиз.

Таърифини қилаётган қаҳрамонимиз ички ишлар тизимида ҳам шитоб билан... доврўқ солиб ишлаган — Норқул Сафаров фалончининг уйидан фалон нарса топиб олибди, фалончини фалон килограмм ҳалиги (номини айтиш ҳам ноқулай) билан ушлабди, деган овозалар хуллас, эл орасида, айниқса, қинғир ишнинг қилини эшиб, тўрт тўқийдиганлар орасида ўзидан ҳам кўра унинг номини машҳур қилиб юборди: «Норқул Сафаров» деган калима тилга олиниши...

Аммо Исаак Ньютон аллақачон орамиздан кетгани билан у топган таъсирнинг акс таъсирга тенглиги ҳақидаги қонун ўлмаган экан — ички ишлар тизимининг масъул лавозимларида ишлаб турган қаҳрамонимиз қирқ ёшда «нафақахўр» деган... даражани ҳам қўлга киритди.

Шундан сўнг унинг оёғини узатиб нафақахўрларга хос осойишта ҳаёт кечиришга ҳаққи бор, чунки ички ишлар тизимида шу даражада қаттиқ ишлаган ва биладиганларнинг айтишича, бошқалар юз йилда уддасидан чиқолмайдиган ишларни у беш-ўн йилда уддалаб ташлаган эди. Ғайратли ва зукко бўлганидан ўзини тадбиркорликка урди ва шундай қилиб, ёниб ётган юрагининг ҳовурини босди. Яна ажойиб муваффақиятларга эришди: уни кўролмайдиган одамларнинг гурунгларига ишониладиган бўлса, у бир-икки йилда супермаркетлар, ҳовли жойлар, Олтинсой ва Узун туманларида ҳар бири 50-100 миллион сўм турадиган АЁҚШлар қуриб ташлаган эмиш!

Айтдим-ку, одамлар ҳозирги замонда оғзи билан юрадиган бўлиб қолган: ўша ғаламислар яқинда унинг қора «Ласетти» сотиб олганлиги ҳақида, ҳатто аҳмоқ ҳам ишонмайдиган бўҳтон тарқатишди. Нима бўпти, «Ласетти» минган камми?

Тўғри, одамлар айтган ўша АЁҚШларни, мини маркету бошқа нарсаларни мен ҳам биламан, аммо биров уларни «Норқул Сафаровники», деса сиз мутлақо ишонманг — уларнинг ҳаммаси унинг энг яқин қариндошлариники, ўғил-қизлариники. Жамоатчилик, айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари орасида алоҳида мавқега эга бўлганлиги учун фарзандлари ва қариндошлари юритиб турган ўша жойларга бориб «чарчамаяпсизларми?», «шошмаяпсизларми?» деб туради, холос. Буни кўрган ҳалиги ғаламислар эса бўҳтонга зўр беришади: «Икки хотинимнинг болаларига иккита заправка қуриб бердим, энди кейинги хотинимдан бўлган ўғлимга ҳам битта газзаправка қуриб беришим керак...» эмиш. Шу ҳам гап бўлдими! Агар шундайларнинг гапига қулоқ солган бўлсангиз, улар Норқул Сафаровдай эл ичида ҳурматли одамни ҳар нарсага чиқариб қўйишлари ҳеч гап эмас! Уларга «Оғзингга... тош!» деймиз-да, гапимизда давом этамиз.

Мен сизга айтсам, 2000 йил нафақат Манхеттендаги «Эгизак»лар, балки Норқул Сафаров учун ҳам... яхши бўлмади: 25 октябрь куни «Нексия» билан бир болани уриб юборди. Баъзилар шу беш яшар боланинг ўзи Норқул Сафаров учиб бораётган машинага келиб урилиб, ўлган, дейишди. Нима бўлганда ҳам вилоят прокуратураси ушбу йўл ҳодисаси бўйича орадан ўн саккиз кунни ўтказиб, жиноят иши қўзғади ва уни 16/4059-сони билан рақамлади. Қумқўрғон туман прокурори Ў.Суванов раҳбарлигида Норқул Сафаровнинг бир боланинг умрига зомин бўлган бу майдагина «аварияча»си 12 кун узунасига ва кўндалангига жуда қаттиқ эътибор билан ўрганилгандан сўнг ҳаракатдан тўхатилди — Беҳзоднинг бу машинага ўзи келиб урилганлиги (1997 йил 5 январда туғилган) рост экан!

Бу иш ўз навбатида янги можароларнинг бошланишига хамиртуруш бўлди — манбаларда баён қилинишича, нобуд бўлган Беҳзоднинг ота-онасига «йўл» изламоқда, у сариосиёлик Амир полвон деган билан танишиб, ҳатто қадрдон бўлиб қолади. Қисқа пайт ичида Амир полвоннинг «Нексия»сини Норқул полвон, Норқул полвоннинг «Нексия»сини Амир полвон миниб юришгача бориб етишади. Буни қарангки, ўша ажойиб қунларнинг бирида Тошкентга кетаётган Амир полвонни Самарқандда тўхатган ДАН ходимлари ҳамишагидек «Йўл бўлсин, полвон, Сариосиёдан экансиз, машинада ҳалигидай ёмон нарса йўқми?» дейишади. Амир полвон умрида ёлғон айтмаган бўлади, шунинг учун: «Ана, машинада бори-йўғи уч килогина героин бор, агар керак бўлса, бемалол олиб қолаверинглар, бунинг яна изи кўп!» дейди. Полвон ҳазиллашаяпти, деб ДАН ходимлари унинг устидан кулишади. Аччиғи чиққан Амир полвон мени ким деб ўйлаяпсизлар, деб героинни ҳалта-палтаси билан мелисаларнинг қўлига беради ва ишонмасаларинг ҳидлаб кўринглар, уч тўққизлигидан, бир секундда бошдан олади, дейди. Энг муҳими, Амир полвоннинг бу иддаоси ҳам рост бўлиб чиқади.

Бир қўшиқда «Дўст бўлсанг ёнимда тур!» дейилганидек, Амир полвоннинг онаси юқори идораларга такрор-такрор ёзган шикоят хатларида баён қилишича, ўша заҳоти Норқул полвон Амир полвоннинг хонадонида пайдо бўлади ва ўттиз миллион сўмсиз ишнинг битмаслигини айтади. Шундан сўнг ҳам Амир полвон Сариосиёга қайтмайди ва мардларча... қамалиб кетади. Жанжалнинг каттаси шундан сўнг бошланади — кун тартибига ҳалиги ўттиз миллион ҳам киритилади. Амир полвоннинг онаси ёзган хатларда «қалбаки доллар» деган иборалар пайдо бўлади...

«... Сафаров Норқулга.

Фуқаро Хўжаев Муродали ва бошқалар томонидан Сизнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларингиз юзасидан ёзган аризаси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 3-қисми «а» банди билан қўзғатилган Жиноят иши тергов жараёнида текширилди ҳамда 2003 йил 24 май куни Жиноят ишининг Сизларга тегишли қисми Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига кўра реабилитация асослари билан ҳаракатдан тугатилган».

Ўша куниёқ Денов туман прокурори Э.Менглиев томонидан имзоланган бу хат Норқул Сафаровнинг бошида чирпарак бўлиб айланиб ётган тегирмон тошини таққа тўхатди — «ижтимоий адолат»нинг тантанаси деб шуни айтсалар керак-да!

Шундан сўнг Норқул Сафаровнинг тоши ўрга... юмалайди: гапга етар одамлар айтдиларки, Сиз ички ишлар тизимида тер тўкиб ишлагансиз, ҳатто Шўрчи туман ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари бўлгансиз, шунинг учун «Боботоғ» ўрмон хўжалиги раҳбарлигини қўлга олсангиз, чунки, пистазорлар ҳам йил сайин сийраклашиб боряпти, агар шу масъулиятни зиммага олсангиз, ўрмончилик ривожига ҳам катта ҳисса қўшган бўлур эдингиз.

Норқул Сафаров бу таклифдан сўнг қаттиқ ўйга толди: хаёлида нималарнидир ҳисоблайди, шундан сўнг ҳам махсус маслаҳатчилари билан кенгашади. Улар айтдиларки, умуман олганда, Боботоғнинг қироли бўлиш ёмон эмас, бу тоғнинг келажаги бор, фақат пистанинг ўзи билан жаҳонни эгаллаш мумкин, чунки Боботоғнинг пистасидай писта ҳатто Америкада ҳам йўқ, бунинг устига илон бизнесини келажакда йўлга қўйиш мумкин, чунки уларнинг заҳри жуда ўткир, дейишди. Бундай чуқур ва ҳар тарафлама мулоҳазаларни эшитган қаҳрамонимиз, қанчалик оғир бўлмасин «Боботоғ» ўрмон хўжалигининг танҳо раҳбарлигини бўйнига олади. Мазкур воқеа 2004 йилнинг айни жазирама чилласида содир бўлди.

Шуни олдиндан айтмоқ керакки, етмиш етти минг гектарлик улкан ҳудудни эгаллаб ётган ва бунинг устига Тожикистон билан чегарадош «Боботоғ» ўрмон хўжалигининг директори Норқул Алимардонович Сафаров шаҳар кўрган йигитлардан эди: шунинг учун хўжаликнинг тупканинг тубидаги маъмурият идорасига бориб, фаолият кўрсатишни истамади — йўллар асфальт бўлгани билан бузилиб даям муҳим тадбирни амалга оширди — Олтинсой туманининг Хидиршоҳ қишлоғида истиқомат қиладиган ва демакки ёшликдан бирга ўсган ҳамқишлоғи Туроб Тилавовни бош ҳисобчиликка олиб келди. Баъзилар «Туроббой олий маълумотли эмас экан-ку», деган эди у «Ленин ҳам олий маълумотли бўлмаган!» деб муҳокамага ўрин қолдирмади. Шундай бўлса ҳам баъзилар анча вақт «Туроб Норқул Сафаровнинг отаси Алимардон Сафаровнинг туғишган жияни, демак, директорбобога бош ҳисобчи тус тоғавачча бўладилар!» деб юришди, мен бу ҳақда уларнинг ҳар иккови билан ҳам гаплашдим. Улар бир овоздан «Биз оддий ҳамқишлоқлармиз, ҳеч қандай қариндошчилигимиз йўқ!» дейишди.

Нима бўлганда ҳам бош ҳисобчи ўзига билдирилган самимий ишончни садоқат билан оқлади: 2005 йил давомида директорнинг қўлидаги +9987-64115263 рақамли уяли телефон учун «Ўздунробита» қўшма корхонасининг Денов бўлимига **1068000** сўм ўтказиб берди – қойил!

Умуман, 2005 йил Норқул Сафаров учун ҳар томонлама баракотли келди: бош ўрмончи Ашур Тўрақуловга бириктирилган **ВАЗ 2121 давлат рақами 19 АД 386 бўлган машинага 4564** литр, **«Ҳазратбобо» бўлими бошлиғи Рустам Арабовга бириктирилган давлат рақами 19 АК 602 бўлган машинага 4802 литр бензин чиқим қилинди**. Аммо ваколатли ҳисобчилар ҳар иккала машинанинг йил давомида умуман ишлатилмаганини... аниқладилар. Шундай бўлса-да, шу ҳар иккала машинага «сарфланган» 9366 литр бензиннинг қаёққа «учиб» кетганлигини аниқлашнинг иложи бўлмади.

Яна ўша йили барча таомилларга итоат этилган ҳолда **«Газ-53», «Газ-52», «УАЗ»** русумли автомашиналар ва **«МТЗ-80», «ДТ-7»** деган тракторлар эскирганлиги учун чиқим қилинди. Белгиланган тартибга кўра, бу техника воситаларининг эҳтиёт қисмлари хўжалик омборига, лоши эса темиртерсак омборига топширилиши керак эди. Аммо, бу техника воситаларини турган жойида сўраган одамларга бериб юборилиб қўя қолишди — эзилиб, адойи-тамом бўлган темирга азоб бермайлик, дейишди. Оғзига кучи етмаган ғаламислар «Норқул Сафаров «списать» қилинган мана бу машинани фалончига фалон сўмга сотибди», деган гапларни кўча-кўйларда айтиб юришди, дўмбира қилишди.

Яна: Норқул Сафаровнинг доно раҳбарлигида икки қаватли ва иморати пишиқ ғиштдан кўтарилган биофабрика биноси ёрдамчи хўжаликлари билан 3,7 миллион сўмга сотиб юборилди. Ваҳоланки, бу пулга ул иморатнинг пойдеворини ҳам тиклаб бўлмас эди. Ҳақиқатан ҳам ваколатли мутахассислар бу иншоотнинг энг паст баҳоси 20 миллион сўмдан кам эмаслигини аниқлаб беришди.

Яна: 2005 йил 22 сентябрь куни «Хўжали» массивида катта ёнғин чиқиб, **175** гектар пистазор нобуд бўлди. Шу муносабат билан тузилган муҳтарам ҳайъат ҳамма айбни қушларга тўнкади ва қушлар аллақачон иссиқ ўлкаларга учиб кетган экан, уларни жавобгарликка тортишнинг моддий жиҳатдан мутлақо имкони йўқ, деган донишмандларча хулосага келинди. «Иш» жуда пухта тайёрланган эди, аммо қушларга қилинган туҳмат тезгина фош бўлди — электр симлари ёнғин чиққан жойнинг яқинига ҳам келмаган экан! Шундай қилиб, қушлар жазодан озод бўлди ва бошқалар ҳам... жазоланмади.

Энди 2006 йил 28 август куни Сурхондарё вилоят прокуратурасидан берилган маълумотга эътибор қаратинг.

«...Янги маданий пистазорлар барпо этиш ва мавжудларини қўриқлаш борасида ўрмон хўжалигида амалга оширилаётган ишлар қониқарсиз деб топилган ва қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида марказий ўрмон хўжалигига тақдимнома киритилган...»

Ҳа, вилоят прокуратурасидан берилган бундай хулоса билан баҳслашиб бўлмайди, албатта. Биз ўзимизча хулоса қиладиган бўлсак, Боботоғнинг ноёб пистазорлари молларга емиш бўлмоқда, ибораси қилиб айтганда — Боботоғ... ёнмоқда! Бош ўрмончи А.Тўрақуловнинг бир отар қўй-эчкиси «Чағамбулоқ»даги маданий пистазорларни кўп йиллардан бери кемираверишдан томиригача еб тугатди: туяларни шамол учириб юргандан сўнг эчкиларнинг аҳволи ўзингизга маълум!

Тағин сиз Норқул Сафаровнинг касби ўрмончи бўлмагани учун ҳеч нарсани билмайди, деб ўйламанг — мунтазам равишда пайҳончиларга миллион-миллион сўмлаб жарима солинади ва бу ҳақда уларнинг қўлига қаҳрамонимизнинг имзоси билан расмий хат тутқазилади. Ана шундай хатларнинг бир нечтаси қўлимга тушган эди, жарималарнинг ундирилган-ундирилмаганлиги билан қизиқдим, аммо изини ҳам тополмадим.

— Далолатномаларни прокуратурага топширганмиз.

— Ишқилиб, шу жарималар пайҳончилардан ундириладими?

— Ана шу нарса номаълум-да. Бизда ҳеч қандай ҳужжат йўқ.

— Мана, менинг қўлимда турибди-ку!

— Тўғрисини айтсам, прокурор қамалиб кетди. Қоғозларимизни ҳам қайтариб ололмадик.

Мени кечирасиз-у, бу — гап эмас!

Ўрмон қўриқчилари ҳам пистазорларнинг шафқатсизларча пайҳон қилинаётганлиги ҳақида жазо тайинлаш учун далолатномалар тузиб, Норқул Сафаровга ҳавола қиладилар. Табиийки, ҳар бир пайҳончи зудлик билан Норқул Сафаровнинг ҳузурида пайдо бўлади. Уларнинг кўплари кейин далолатнома тузган ҳалиги қўриқчиларга «Қандай бўлди?» деб салом беради ва биласизми, айтадики, иккинчи қорангни кўрмайин, дейди.

Тасарруфимда барча ҳужжат ва далиллар бўлишига қарамасдан Норқул Сафаров билан бу мавзуда гаплашишдан... уялдим. Бунинг ўрнига агар Боботоғдаги ишлар шу кетишда давом этса, беш-олти йилдан сўнг Боботоғдан, унинг ноёб ўрмонларидан асар ҳам қолмайди, биз келажак олдида масъулмиз, деган гапларни айтдим.

У менга кўзларини жудаям қаттиқ қададди ва:

— Боботоғни қўйинг. Сиз ўзингизга эҳтиёт бўлинг! — деди.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Ўқидингизми?

«БАҒРИБУТУНЛИК»

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти таниқли шоир ва журналист Ислом Ҳамронинг **«Бағрибутунлик»** номли янги китобини мухлислар эътиборига ҳавола қилди. Ватанимиз мустақиллиги, обод юртимизнинг фидойи фарзандларига бағишланган ушбу бадиҳалар тўпламига муаллифнинг истиқлол йилларида яратган публицистик асарлари киритилган. Бадиий мукаммал ва гўзал бадиҳаларда юртимизнинг бағридарё одамлари ҳақида ўқийсиз, ижтимоий ҳаётимиздаги мавжуд айрим муаммоларнинг таҳлили сизни бефарқ қолдирмайди.

Мазкур китоб сўзбошисида Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Одил Ёқубов тўпламдаги публицистик асарларнинг ёрқин ғоялари, теран қарашларнинг самимий ва гўзал ифодаси, ижодкор маҳорати ҳақида сўз юритиб, шундай ёзади:

«Мен Ислом Ҳамрони истеъдодли шоир деб биламан, аммо унинг «Бағрибутунлик», «Кўнгил тарбияси», «Юрт ободлиги — кўнгил ободлиги», «Халқ даҳосининг тимсоли», «Миллат келажагига дахлдор савол», «Кўзимизга тўтиё кунлар» каби бадиҳаларини ўқиб, у ҳаёт билимларини эгаллаган, нимани қандай айтишни биладиган, одамийликни қадрлаб, яхшиликни чуқур ҳис этадиган катта публицист эканига ишонч ҳосил қилдим. Шу маънода, унинг асарлари «Олтин қалам» мукофотига муносиб равишда сазовор бўлди.

Ислом Ҳамро катта миқёсларда фикрлайди ва ўз ўйларини, кечинма ва мушоҳадаларини чуқур дард билан, катта нафас билан таъсирли баён этади. Шу боис унинг ёзганларида эзгулик ва ҳақиқат тантанасига ишончи, ўз юртига, халқига меҳр-муҳаббати одамга таъсир қилади, дилларни тўлқинлантиради. Адиб асарларида ҳақиқий санъаткорга хос бўлган самимий оҳанг, жозибали тасвир, фалсафий мушоҳада манаман деб кўзга ташланади, энг муҳими, у юракдан чиқариб ёзади, шунинг учун кечинмалар ўқувчини чулғаб олади».

«Олтин қалам» мукофоти совриндори, ҳамкасбимиз, газетамиз ходими Ислом Ҳамронинг **«Бағрибутунлик»** китоби мухлислар севиб мутолаа қиладиган, кишиларда эзгулик, Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлайдиган маънавий ҳамроҳга айланади, деб ўйлаймиз.

Д.МАТКАРИМОВА

Таассуф

ҚИММАТГА ТУШГАН «ПОЧИН»



Умар Меҳмонов суднинг қора курсисида муқаддам олти марта ўтириб, қилмишлари учун тегишли жазосини олган. Хавфли рецидивист саналган Умар озодликка чиққач, яна жиноятга қўл урди. У ўзи яшайдиган Бухоро шаҳар А.Жомий кўчаси, 66-уйдан чиқаркан: «Нима қилсам экан, яшаш учун пул керак. Э, бор-э, иш қидириб юраман-ми? Бозорни бир «айлансам», ризқим чиқиб қолар, таваккал», деб кўнглидан кечирди.

2007 йил 22 апрель куни соат 8 лар чамаси. Когон шаҳридаги «Саховат» деҳқон бозори гавжум. Кимдир ўзига керакли нарсани танлаб-танлаб олаяпти. Кимдир «мол»ини мақтаб-мақтаб сотаяпти. Ёши олтмишлар атрофидаги киши жўжа харид қилаяпти. У сотиб олган 20 тача паррандаларини бирма-бир кўздан кечираяпти. Харидор жўжаларга эгилганда, ҳамёни бироз очилиб, бир даста 1000 сўмликлар кўриниб кетди. Жиноят кўчасида умр бўйи тентираб, қўллари қиғирликка мойил, кўзлари олазарак Умар буни тез илғади ва дарҳол «иш»га киришди. У харидорнинг чўнтагига секингина қўл солди ва бармоқларига илинган қоғоз пулларни устамонлик билан тортганча ортга чекинди. Четроққа чиқиб, санаб кўрай-чи, дастлабки «почин» қанча бўлдийкин, дея мийиғида кулиб қўйди. «Ёмон эмас, 15 минг экан. Шунча пулни текинга ким беради. Кўпи билан 15 минут вақтим кетди. Мени ризқ-насиба тортиб, шу ерга келибман-да», ўйлади у.

У пулларни чўнтагига солаётган ҳам эдики, билагидан кимдир тутди. Қараса, ёнгинасида милиция ходимлари турарди. Булар Когон шаҳар ва туман ИИБ томонидан кенг қамровли тадбир ўтказаётган ҳушёр ва тезкор ходимлар эди.

Жиноятчи Умар Меҳмонов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли деб топилди. Умар Меҳмоновга ўташ учун қатъий жазо 5 йилу 2 ой қилиб белгиланди.

Рўзмат Машариповнинг 15 минг сўм пули ўзига қайтарилди. Халқимизнинг «Ўғрилик — охири хўрлик», дейиши бежиз эмас. Умар бирор ишнинг бошини тутиб, ҳалол пул топганда яна «темир панжара» ортига равона бўлмасди. 42 ёшни кўрган, унинг на касби-кори, на оиласи бор. Ўз ҳаёти ҳақида аввалроқ жиддий ўйламаслик, ён-атрофдагиларнинг ҳам унга бепарволиги шундай хунук оқибатларга олиб келди.

Алиакбар ПЎЛАТОВ,
Когон шаҳар прокуратураси терговчиси,
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист

Чақмоқтош

КРИТЛИК ЭПИМЕНИД
(Милоддан аввалги VI аср)

Афсонавий юнон донишманди Эпименид Крит оролида туғилган. У донишманд Солон билан яқин дўст бўлган. Солонга қонунларни тузишда кўмаклашган. Милоддан аввалги 596 йилда Эпименид Афина шаҳрини вабо эпидемиясидан сақлаб қолган. Манбаларда ёзилишича, файласуф 300 йилдан ортиқ умр кўрган.

ЁЛҒОН ГАПИРАЯПМАН, ЛЕКИН СЎЗИМ РОСТ

Эпимениднинг ёлғон сўзлаган критлик ҳақидаги мантиқий зиддияти неча асрлардан буён донишмандлар учун ечиб бўлмас муаммолигича қолаётир. Бу зидламанинг мазмуни шундай: «Бир критлик сўзлай туриб: «**Мен алдаяпман**», дейди ёки: «**Ҳозир мен айтадиган сўзлар ёлғон**», дейиши мумкин. Ё бўлмаса бундай дейди: «**Айтган сўзларимнинг бари ёлғон**». Агар сўзловчи чинданам ёлғон гапирган бўлса, унинг иқрори — ҳақиқат. Аксинча, сўзловчининг айтганлари чин бўлса-ю, «**ёлғон гапирдим**», деса, у ростдан ҳам ёлғон гапирган. Шундай қилиб, агар сўзловчининг иқрори рост бўлса, у ёлғон гапираётган бўлади, аксинча, унинг иқрори ёлғон бўлса, гаплари ростдир.

Ушбу мантиқий зиддиятнинг кашф этилиши кўплаб файласуфларни боши берк кўчага киритиб қўйди. **Файласуф Христипп** (милоддан аввалги 281-208-йиллар) ана шу зидламага бағишланган **учта китоб** ёзди. **Косслик Филет** исмли донишманд эса бош қотиракотира, зиддиятни ечолмагач, алам устида ўз жонига қасд қилди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, таниқли юнон олими, мантиқ илмининг билимдони **Диодор Кронос** (милоддан аввалги 307 йилда вафот этган) ҳаётининг сўнгги йилларида ушбу зидламани ечишга бел боғлаган. У ечимни топмагунча овқат емасликка онт ичган ва охир-оқибат бандаликни бажо келтирган.

Саида ЖЎРАЕВА
тайёрлади

Қонундан четга чиқманг

Мамлакатимиз қонунчилигида эркин иқтисодий ривожланишнинг мукаммал ҳуқуқий асоси яратилган. Шу боис, кўплаб фуқаролар ўзининг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмоқда. Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, мўмай даромад кетидан қувган, нафси ҳакалак отган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

ЭГРИ ЙЎЛ

Масалан, «Асака сокин» масъулияти чекланган жамиятнинг иш юритувчиси Исмоилжон Маматалиев ана шундайлардан бўлиб чиқди. У таниш-билишларидан Қозоғистонда ун маҳсулоти арзонлигини эшитади. Хомчўт қилиб кўрса, анча фойда қоладиган. Шунинг учун бу ишга астойдил киришади. 2005 йил 17 октябрь куни Қозоғистон Республикасининг ТОО «Сириус-КРК» фирмаси билан 22000 АҚШ долларига тенг шартнома тузади. Шартномага асосан маҳсулотни олиб келиб, бозорда яхшигина пуллаб, мўмай даромад орттиради. Катта пул илинжи уни яна Қозоғистон сари етаклайди. Бу гал ҳам қуруқ қайтмайди, 15000 АҚШ доллари миқдоридаги шартнома бўйича олиб келган харидоргир маҳсулотни бозорда сотади. Афсуски, ойни нарвонсиз урадиган иш юритувчи қонунга зид иш хайрли якунланмаслигини ўз вақтида англамади. Оқибатда суд курсисида ноқонуний қилмиши учун жавоб беришга мажбур бўлди.

Исмоил Мамталиев йўл қўйган қонунбузарлик шундан иборатки, у ҳар иккала шартномага асосан 74066,5 минг сўмлик ун маҳсулотини савдо қоидаларига зид равишда бозорда нақд пулга сотади. Ваҳоланки, у бу маҳсулотларни касса машинаси ўрнатилган турғун савдо дўконида сотиши керак эди. Бу ҳам етмагандек, у савдодан тушган пулларни банкка топширмасдан ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади.

Шунингдек, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2006 йил давомида банкдан ташқари чаканалаб сотилган 74066,5 минг сўмлик товар айланмаси юзасидан Асака шаҳар Давлат солиқ инспекциясига ҳисоботлар топширмайди. 2628,4 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарзини тўламайди.

Афсуски, Исмоилжон Маматалиев қонун олдида жавоб беришга келганда қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини билдирди. Афсуски, энди кеч бўлган эди...

Рафуқжон ТОШМАТОВ,
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Асака туман бўлими бошлиғи

ЭЪЛОН!

Наманган вилоят адлия бошқармаси Наманган шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Наманган вилоят адлия бошқармаси телефонлари: (8369) 226-26-73

Бутун дунёга машҳур, табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино ҳақда қанча китоблар ёзилган, фильмлар ишланган, турли афсоналар, ривоятлар мавжуд. Аммо унинг муҳаббати ҳақида кўп нарса билмаймиз.

Бухоронинг Афшона қишлоғида туғилган Ҳусайн ҳаким сифатида анча танилиб қолди. У барчани бирдек даволай бошлади ва тезда машҳур бўлиб кетди. Табибнинг довруғини эшитган қандолатпазнинг қизи Санам уни юйибона севиб қолади. Кеча-ю кундуз Аллоҳдан сўрайдигани ёш ҳакимнинг севгиси эди.

Илоҳий муҳаббат

ИШҚ ДАРДИДАН ЧОРАСИЗ ТАБИБ

Ёш ҳаким бу гўзал қизни илк бор китобфуруш аёл хонадонида кўриб ошиқи беқарор бўлиб қолади.

... Мамлакатда нотинчлик. Амир бедаво дардга йўлиққан. Уни бирон-бир табиб даволай олмади. Ниҳоят, Амирга Ибн Сино деган ёш табиб борлигини айтишади. Амирни ёш табиб тузатади. Шунда табибдан тилак сўралганда, у кутубхонадан фойдаланишга рухсат сўрайди. Бу тилак амалга оширилади. Амир тузалгач, яна маишатга берилиб кетади ва оқибат касалликка чалинади. Мамлакатдан путур кетади. Ёғий бостириб келиб Амир Мансурнинг икки кўзи ўйиб олинади. Кутубхонанинг кули кўкка совурилади. Амир Мансур ўрнига бошқаси сайланади. Бироқ у ҳам амирликни эплай олмайди. Саройда фитна бошланади. Шундан сўнг салтанат яна таназзулга юз тутади. Мамлакатни Қорахонийлар босиб олади. Босқинчилар аввал отаси, сўнгра онаси ўлдирилган Санамни банди қилиб олиб кетишади. Ибн Сино эса бош олиб Хоразмга, дўсти ал-Беруний ҳузурига кетишга мажбур бўлади. Шундай қилиб ҳар иккала севишган қалблар бир умрга ажраладилар.

Санамни олиб кетган суворий уни ўзига никоҳлаб олмоқчи бўлади. Бироқ, Санам бунга рози бўлмайди. Қиз барча қийноқларга чидайди. Ҳаттоки, уни хонга тортиқ қилмоқчи бўлишади. Санам эса бундай қилмасликларини илтижо қилади. Шундай кунларнинг бирида суворий оғир касалликка чалинади. Санам инсонийлик юзасидан уни парваришлайди, дардига малҳам бўлади. Бу билан у суворийнинг ҳурматини қозонади. Санамдан суворий тилагини сўрагани-да қиз Бухорога — уйига бориб келишга рухсат сўрайди. Санам Бухорога келиб ўз уйларини топади, аммо уй бегоналар қўлига ўтган эди. Қиз Ибн Синонинг қўшнисига бир мактуб қолдиради ва уни машҳур табибга бериб қўйишни илтимос қилади. Ўзи эса яна қайтиб кетади. Узоқ айрилиқ, азоб-уқубатлардан ўртанган қалблар бу сафар ҳам висолига етишолмайди.

Жаҳолатга ботган амалдорлар, амиру аъёнлар Ибн Синога жуда кўп маломат тошларини отдилар. Уни мунтазам таъқиб қилишар, унинг машҳурлигидан ўз мақсадларида фойдаланмоқчи бўлишарди. Бироқ буюк табиб буларга парво қилмас, ўз ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб бўлса-да, шоҳ асарларини битарди. У бир муддат бўлсада, ўз севгилисини унутмади. Аммо узоқ муҳожирлик, доимий тазйиқлар машҳур табиб соғлиғига путур етказмасдан қолмади. Ибн Сино оғир бетоб бўлиб қолди. Шундай қийин пайтда ҳам Санамни эслади. Шунда шогирдларидан бири қўшниси ал-Барқийга бир аёл мактуб қолдирганини, у эса излаб тополмаганини айтди. Ибн Сино «Исми не экан?», деб сўради. «Санам эмасми, ҳа, худди ўша...» Шогирди: «Борсам албатта олиб келурман», дея сўз берди...

Ибн Сино бу оламни тарк этаётиб, шогирди Қора Туркка шундай васият қилган экан: «Сенга илтижойим шулки, Бухорога бориб, қандай бўлмасин, ўша ожизани топурсен, англадингми? Бу иш фақат сенинг қўлингдан келур. Эшитиб ол, бокиранинг исми Санам эди. Бухоролик Масъуд қандолатпазнинг қизи эди. Мен унга уйланмоқчи эдим. Афсус, тақдир экан, насиб этмади. Мана бу ҳамёндаги тиллоларни ол, бутун бойлигимни шу аёлга берурсан. Мендан салом айт, дегилки, мен уни жон-дилдан севар эдим... уқдингму, севардим...»

Буюк табибнинг сўнгги васияти амалга оширилди. Ибн Синонинг вафот этганлиги Санамга етказилди.

...Бухоро кўчаларида бир телбанамо аёл пайдо бўлиб қолди. Одамлар ақлдан озган бўлса-да, бу аёлни ҳайдамас, унга ачиниб кўзларига ёш оларди. Негаки... телба аёл инсонлар қалбидан аллақачон жой олган буюк табиб — Ибн Сино ҳақида тўқилган турли ривоятларни сўзларди. Қаердандир олган тилло буюмларини дуч келганга улашарди. Вале ҳамма ҳам аёлнинг исми Санам эканлигини билмасди...

Инсониятнинг ҳар қандай дардига малҳам топган, бироқ ўзининг қалб оғриғига илож тополмаган буюк табибнинг муҳаббати ана шундай ниҳоя топганди.

Иззат АҲМЕДОВ
тайёрлади

Таҳлил

СОЛИҚ ВА ВАЛЮТА

унга оид жиноятларни бартараф этиш хусусида

Мамлакатимизда солиқ, валютага оид жиноятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** 415-сонли қарори ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида валютага оид 29 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 20 та жиноий ва 7 та маъмурий ишлар қўзғатилган ҳамда ҳуқуқбузарлардан 29 160 АҚШ доллари ва 35 000 Россия рубли ашёвий далил сифатида мусодара этилган.

Келинг, мисолларга мурожаат этайлик. Бошқарма ходимлари томонидан олинган тезкор маълумотлар асосида Косон тумани «Сарипул» бозорида ўтказилган тадбирда фуқаро Ш.Раҳматов харидор М.Музаффаровага 1500 АҚШ долларини 1 миллион 935,0 минг сўмга қонунга хилоф равишда сотаётганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан бошқарма томонидан 2007 йил 24 август куни фуқаро Ш.Раҳматовга нисбатан Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «б» билан жиноят иши қўзғатилган. Ноқонуний йўл билан бойлик орттиришни режалаштирган Ш.Раҳматов энди суднинг қора курсисида ўз қилмишидан надомат чекаётир.

Шунингдек, Яккабоғ туман бўлими ходимлари томонидан олинган тезкор маълумотлар асосида фуқаро Ҳ.Умаров харидор М.Мамазовга 1300 АҚШ долларини 1 миллион 664,0 минг сўмга қонунга хилоф равишда сотаётганида қўлга олинган. Қонунбузарнинг ҳамёни кўздан кечирилганда, 20 АҚШ доллари ва 1000 Россия рубли борлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Яккабоғ туман бўлими томонидан 2007 йил 7 сентябрь куни Ҳ.Умаровга нисбатан Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилган. Ҳа, қинғир иш келтирар ташвиш, деб доно халқимиз бежизга айтмаган. Ҳ.Умаров ҳам ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракати оқибатида адоқсиз ташвишлар гирдобида қолди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Келинг, яна улардан бирига эътибор қаратайлик.

Қарши шаҳар бўлими ходимлари томонидан олинган тезкор таҳлилий маълумотларга асосан, якка тартибдаги тадбиркор З.Раҳимов фаолияти ўрганилганда, 2006-2007 йилларда хорижий мамлакатлардан автомашиналар келтириб сотиш билан шуғулланиб келган. Бу ҳам етмагандек, турли ноқонуний йўллар билан қўлга киритган 53000 АҚШ долларини, ТИФ «Миллий банк»ва «Алп Жамол» банкига топшириб, валюта операцияларини амалга оширган ва 17000 АҚШ долларини ноқонуний йўл билан Литва давлатига олиб чиқиб кетганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан СВОЖЖДЛҚКнинг Қарши шаҳар бўлими томонидан 2007 йил 24 октябрда якка тартибдаги тадбиркор З.Раҳимов ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг 178-моддаси 1-қисми ва 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Улар ўз қилмишларига яраша жазо олишлари муқаррар.

Умуман олганда, Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш ва мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам бошқармамиз ходимлари ўз зиммаларидаги вазифани изчил тартибда, сидқидилдан адо этишга интилмоқдалар.

Маъруф ЛУТФУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Қашқадарё вилоят бошқармаси инспектори

ЭЪЛОН!

Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси бўйича кафедра мудири — 1
2. «Криминалистика» кафедраси бўйича кафедра мудири — 1
3. «Жисмоний тарбия» кафедраси бўйича кафедра мудири — 1
4. «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1
5. «Маъмурий ва молия ҳуқуқи» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1
6. «Факультетлараро ижтимоий гуманитар фанлар» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1
7. «Факультетлараро хорижий тиллар» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1
8. «Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи» кафедраси бўйича ўқитувчи —1
9. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари.
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона, 66-хона.
Телефон: 136-09-39, 133-66-36

ЭЪЛОН!

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2007 йил 7 ноябрдаги йиғилиш қарорига асосан Зангиота туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алим Ражабович Усмоновга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2003 йил 30 май куни берилган TN 000178 сонли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси амал қилиши вақтинча тўхтатилди.

ЭЪЛОН!

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳайъатининг 2007 йил 19 октябрдаги 11-сонли қарорига мувофиқ 2000 йил 20 июндаги 15-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган Оққўрғон тумани Ҳамид Олимжон ширкат хўжалиги Қўштепа қишлоғида жойлашган «Мусо-ота» адвокатлик бюроси давлат реестридан чиқарилди.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Махмудов Лазиззжон Мирзаевич, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Мустафаев Бўриташ Мустафаевич, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Шавкат САТТОРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-1015. Тиражи — 8120. t — тижорат мақола.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.

Тел: 133-84-50, Факс: 133-95-31.

2 3 4 5